



Аҳолининг қарз мажбуриятларини базариш ҳолати

Март 2022


Молиявий барқарорлик департаменти томонидан тайёрланди.

Фикр ва таклифларингизни udjumanazarov@cbu.uz электрон манзилига юборишингиз мумкин.


Аҳолининг қарз мажбуриятларини бажариш ҳолати

Аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки даражасини ифодаловчи бир қатор кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, кредитларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати, кредитларнинг аҳоли даромадларига нисбати, қарзга хизмат кўрсатиш нисбати¹ каби кўрсаткичлар шулар жумласидандир. Халқаро тажрибага кўра қарзга хизмат кўрсатиш нисбати (debt service ratio – DSR) амалиётда кенг қўлланилиб, жами аҳолининг ёки айнан қарз олувчилар даромадларининг қанча қисми қарзни (асосий қарз ҳамда фоиз тўлови) сўндириш учун сарфланишини ифода этади. Ўз навбатида, қарзга хизмат кўрсатиш нисбатини ҳисоблашда кредитлар бўйича фоиз ставкалар ва муддатларининг инобатга олиниши қарз юки даражасини бошқа кўрсаткичларга нисбатан аниқроқ кўрсата олади.

1-расм. Жисмоний шахс кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати (кредитлар қолдиғи бўйича), %



2-расм. Жисмоний шахс кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати (ажратилган кредитлар бўйича), %



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.


Ўз навбатида, жисмоний шахсларнинг қарзга хизмат кўрсатиш нисбати айнан кредит олувчилар бўйича таҳлили 2018–2021 йилларда кредитлар қолдиғи бўйича ҳисобланганда 8 фоиз бандга, ажратилган кредитлар бўйича эса 17 фоиз бандга пасайганлигини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган узоқ даврда ажратилган кредитлар ҳисобига

¹ Қарзга хизмат кўрсатиш нисбати бўйича батафсил маълумот учун: Dynan, K., K. Johnson and K. Pence (2003): "Recent changes to a measure of US household debt service", Federal Reserve Bulletin, vol 89, pp 417–26, <https://www.federalreserve.gov/pubs/bulletin/2003/1003lead.pdf>, ва Drehmann, M. and M. Juselius (2012): "Do debt service costs affect macroeconomic and financial stability?", BIS Quarterly Review, September, pp 21-34, https://www.bis.org/publ/qtrpdf/r_qt1209e.pdf.

сотиб олинган кредит объектларининг нархи инфляция таъсирида бугунги кундаги бозор нархларига нисбатан сезиларли паст ҳамда кредит олувчиларнинг жорий даромадлари кредит мажбуриятлари бўйича тўловларига нисбатан анча юқори даражада шаклланган. Бу эса, жисмоний шахсларнинг жами кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбатининг пастроқ даражада шаклланишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, кредит турлари бўйича муддатлар, фоизлар ҳамда кредит олувчилар сони орасидаги фарқларнинг катталиги натижасида жисмоний шахсларнинг қарзга хизмат кўрсатиш нисбатида четлашиш юзага келади.

Шу билан бирга, жисмоний шахсларнинг жами кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати таҳлили фақатгина умумий суратни кўришга, алоҳида кредит турлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбатлари эса макропруденциал сиёсат инструментларини жорий этиш ва уларни ўзгартириб боришга имкон беради. Шу сабабли, аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юқини кредит турлари, хусусан микроқарз, ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича алоҳида таҳлил қилишни тақозо этмоқда.

3-расм. Кредит турлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати (ажратилган кредитлар бўйича), %



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоби.

Жами истеъмол кредити бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати 2020–2021 йилларда ўсиб, 2021 йилда кредит олувчилар ихтиёридаги даромадларининг 56 фоизи кредитлар бўйича мажбуриятларини бажаришга йўналтирилган. Ушбу кўрсаткичнинг ўсишини жисмоний шахсларга ажратилган истеъмол кредитлар ҳажмининг ошиши ҳамда бир кредит олувчига тўғри келадиган кредит шартномалар миқдорининг ошиши (2018–2021 йиллар давомида 1,1 тадан 1,2 тагача ўсган) билан изоҳланади.

Ипотека кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати 2019–2020 йиллардаги пасайишдан сўнг 2021 йилда ўсиш трендга эга бўлиб, 65 фоизга етди. 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ипотека кредит олувчилар сонининг 26 фоизга камайганлиги ҳамда ипотека кредитлар ҳажмининг 12 фоизга ошганлиги ипотека кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбатининг кескин кўтарилишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, микроқарз бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати динамикасида пасайиш кузатилиб, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 13 фоизни ташкил этди.

Халқаро амалиётда қарзга хизмат кўрсатиш нисбатини ҳисоблашда банк тизимидан ташқаридаги муддатли тўлов асосида бериладиган кредитлар ҳам инобатга олинади. Ўзбекистон мисолида аҳолининг жами кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати таҳлилида фақатгина банклар томонидан ажратилган кредитлар инобатга олинганлиги сабабли ушбу кўрсаткич пастроқ даражада шаклланган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қарзга хизмат кўрсатиш нисбати кредит шартномаларида кўрсатилган муддатлар асосида ҳисобланишини инобатга олганда, ушбу кўрсаткич кредит олувчилар даромадларининг қарзларни сўндиришга йўналтириладиган сумманинг энг кам миқдорини ифодалайди. Бу эса, амалдаги қарзга хизмат кўрсатиш нисбати ҳисобланган кўрсаткичдан юқори бўлиши мумкин.

Қарзга хизмат кўрсатиш нисбатини ҳисоблашда бугунги кундаги ўсиб бораётган қўшимча молиявий мажбуриятлар қамраб олинмаган. Хусусан, мамлакатимизда чакана савдо дўконларида истеъмол товар ва хизматлари, бирламчи ҳамда иккиламчи бозорларда эса, автоуловларни муддатли тўлов асосида сотиб олиш амалиётининг оммалашмоқда. Бундан ташқари, кенг кўламли уй-жой қурилиш ишлари жадаллашуви кўчмас мулкнинг бирламчи бозорида муддатли тўлов

асосида банк тизимидан ташқари уйлар харид қилиш имконини бермоқда. Мазкур қўшимча молиявий мажбуриятларни турли хил сўровлар ўтказиш орқали баҳолаш борасида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Қарзга хизмат кўрсатиш нисбати методологияси

Кредит олувчи жисмоний шахсларнинг қарзга хизмат кўрсатиш нисбати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$DSR_{j,t} = \frac{i_{j,t}}{(1 - (1 + i_{j,t})^{-s_{j,t}})} * \frac{D_{j,t}}{Y_{j,t}}$$

Бу ерда:

DSR – қарзга хизмат кўрсатиш нисбати

i – ажратилган кредитларнинг ўртача тортилган йиллик фоиз ставкаси

s – ажратилган кредитларнинг ўртача тортилган йиллик муддати

D – кредит бўйича қолдиқ суммаси

Y – кредит олувчиларнинг ихтиёридаги йиллик даромади

j – кредит тури

t – йиллар